

даркор. Беқарорлик шароитларида корхоналарнинг функциялаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, инқироз ҳолатларида корхонани функциялаштиришнинг илк жараёни стратегик режаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунинг учун корхона фаолиятининг барча соҳаларини чуқур таҳлил қилиш зарур. Бу ўз навбатида иқтисодий ҳолатни соғломлаштириш бўйича комплекс стратегик дастури бўлиб хизмат қилади.

Корхонада инқирозга қарши бошқарув тизимлари қуйидагиларга бўлинади:

➤ Корхона ишлаб чиқаришининг жисмоний ва маънавий эскириши даражасини, техник-технологик параметрларни баҳолаш билан бирга молиявий ҳолатни ташхислаш ва прогнозлаштириш тизими.

➤ Корхона фаолиятига доир инқирозга қарши маркетинг стратегияси ва тактикасини ўз ичига олган маркетинг тизими.

➤ Бир қанча бўғинларни ўз таркибига олувчи инвестициявий дастурларни ишлаб чиқувчи инвестициявий сиёсат.

➤ Персонални бошқариш тизими (кадрларни янгилаш, кадрлар малакасини ошириш, самарали стимул тизимини ишлаб чиқиш, меҳнат ва технологик интизомни яхшилаш, жамоада қулай ижтимоий-психологик муҳит яратиш).

➤ Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техник-технологик томонларини қамраб олувчи ишлаб чиқариш менежменти тизими.

➤ Молиявий ресурслар ва пул маблағлари бошқарувида қўлланилувчи молиявий иқтисодий менежмент тизими. Бу тизим молиявий ташхислаш билан боғлиқ.

➤ Ташкилий-бошқарув тадбирлари тизими.

Ушбу тизимлар микродаражадаги инқирозга қарши бошқарувнинг алоҳида хусусиятларини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Воробьев А.А.* Антикризисное управление промышленными предприятиями на основе проектных технологий. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2014. С. 56.

2. *Фомин Я.А.* Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. С. 5.

3. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 474-ИИ-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни.* // www.lex.uz

4. *Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига Шарҳлар // Муаллифлар жамоаси: М.К.Азимов ва бошқ. Тошкент: 2007. 18-б.*

И.К. Жўраев, илмий раҳбар Н.М. Махмудов

НамМТИ

Наманган, Ўзбекистан

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВТРИКОТАЖ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада тўқимачилик ва тикувтрикотаж тармоқларидаги амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек,

мамлакатимизда тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш масалалари кўрилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати, ишлаб чиқариш қуввати, тамойил, пахта толаси, трикотаж маҳсулотлари.

И.К. Жўраев, научный руководитель Н.М. Махмудов
НамМТИ
Наманган, Узбекистан

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Аннотация. В статье рассматриваются текущие реформы и структурные изменения в текстильной и швейной промышленности, а также вопросы эффективного использования производственных мощностей на текстильных и швейных предприятиях страны.

Ключевые слова: текстильная и швейная промышленность, производственная мощность, принцип, хлопковое волокно, продукция трикотажа.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тарихида саноат ишлаб чиқариш омилларини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш борасида бой тажриба тўпланган бўлсада, йирик саноат компанияларида мавжуд ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имкониятлари тўлиқ ўзлаштирилмаган. “Жаҳон товар айланмасининг 5,2 фоизини, саноат маҳсулотлари экспортининг 6,1 фоизини тўқимачилик саноати маҳсулотлари ташкил этади”¹³. Ушбу тармоқда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 2018 йил якунига кўра “Ҳиндистонда 88,0, Нидерландия 81,2, Хитойда 81,0, Туркия 78,9 фоизини”¹⁴ ташкил этади. Жонли меҳнат сиғими юқори бўлган бошқа ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич янада пастлиги кузатилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тўқимачилик саноатини жадал модернизациялаш сиёсати олиб борилди. Бироқ, мамлакатимиздаги тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилмаганлиги тўқимачилик саноатининг мавжуд ресурс захираларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмақда. Тўқимачилик корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этиб, киритилган инвестиция қайтишининг пасайишига олиб келмақда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”¹⁵ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

¹³ WTO. International Statistics. 2019. URL: <http://www.wto.org>

¹⁴ <http://www.Ceicdata.com>

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947сонли Фармони. // www.lex.uz

Замонавий иқтисодиётда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати деганда, ҳақиқатда мавжуд ва эришиш мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади. Ишлаб чиқариш қуввати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш муаммосини эса жуда кўп қиррали ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришнинг деярли барча асосий муаммолари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган муаммодир. Ишлаб чиқариш қуввати иқтисодий жиҳатдан корхоналар ва уларнинг таркибий тузилмаларининг максимал миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти, жиҳозланган меҳнат воситаларининг сони, мукамаллиги ва ишлаш қобилияти, шунингдек ишчиларнинг салоҳияти сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш деганда бир неча ўзаро боғлиқ функциялар: ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни таҳлил қилиш, асбобускунанинг сони ва техник даражасини баҳолаш, ишлаб чиқариш қувватини ривожлантиришни режалаштириш, мотивациялаш ва назоратни амалга ошириш тушунилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш мутаносиблик, комплекслилик, мослашувчанлик, фарқланиш, тежамлилик каби бошқарув тамойилларига асосланиши лозим (1жадвал).

1жадвал

Тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш тамойиллари¹⁶

Тамойил	Тамойилнинг мазмуни
Мутаносиблик	Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларининг алоҳида элементлари уйғунлиги бўлиб, уларнинг бирибирига миқдор нисбатида ўз ифодасини топади
Комплекслилик	Корхонанинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ўзаро боғлиқ ташкилий бошқарув, техниктехнологик ва иқтисодий
Мослашувчанлик	Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш қувватлари ва воситаларини минимал даражада сарфланган ҳолда тезда қайта созлаш
Табақалаш	Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёнини алоҳида қисмларга жараёнлар, операцияларга ажратиш ва уларни корхонанинг тегишли таркибий тузилмаларига бириктириш
Оптимал ташкиллаштириш фаолияти	Ишлаб чиқаришни оптимал ташкиллаштириш, технологик жараёнларни муқобил шакллантириш мавжуд потенциалдан самарали фойдаланишнинг асоси ҳисобланади
Тежамлилик	Олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун минимал ресурслар сарфланишини тақазо этадиган жарённи ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш ва уни бошқариш

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг асосий мақсади ички ишлаб чиқариш захиралари ва ташқи корхоналарнинг қувватларини жалб қилиш орқали уни ошириш имкониятларини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш элементларидан мослашувчан тарзда фойдаланишни таъминлашга қўмаклашувчи бозор талаби ва

¹⁶Турсунов Б.О. Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш масалалари. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий-электрон журнали. ТДИУ, № 5, 2017 йил

зарур ишлаб чиқариш қувватлари қиймати ўртасида энг мақбул мутаносибликни аниқлашда ўз аксини топди. Ушбу ҳолатлар эса корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизларини бозор талабларига мутаносибликда амалга ошириш имконини беради.

Республиканинг тўқимачилик саноати жадал ривожланишини, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни кейинчалик йирик хорижий бозорларига олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил бажариш мақсадида тўқимачилик саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Амалга оширилаётган мақсадли дастурлар республикада пайпоқ ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2008 йилдаги 18,4 фоиздан 2018 йилда 74,4 фоизгача, трикотаж маҳсулотлари бўйича мос тартибда 25 фоиздан 82,4 фоизгача, хом ипак ип ишлаб чиқариш бўйича 50,0 фоиздан 68,1 фоизгача, тайёр ипак ип ишлаб чиқариш бўйича эса, 29,4 фоиздан 78,3 фоизгача кўтарилди¹⁷.

2жадвал

Ўзбекистон Республикасида йирик тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси¹⁸

Кўрсаткичлар	Фоизда, (%)					
	2008	2010	2015	2016	2017	2018
Пайпоқ маҳсулотлари	18,4	22,4	97,6	64,2	66,4	74,4
Трикотаж маҳсулотлари	25,0	62,8	56,5	79,3	85,1	82,4
Тайёр мато иплари	60,1	76,1	76,6	55,2	62,7	65,3
Хом ипак иплар	50,0	59,9	93,3	68,1	55,2	68,1
Тайёр ипак иплар	29,4	59,0	57,5	77,9	82,3	78,3
Пахта толаси	74,3	77,2	75,7	87,2	88,2	88,7

Бироқ, республикада фаолият юритадиган тайёр пахтали ип газламалар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2018 йилда 2008 йилга нисбатан 63,7 фоиздан 60,1 фоизгача пасайди. Республиканинг ип газламалар ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ йирик корхоналарни банкрот бўлди ва ўз фаолиятини тўхтатди. Пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республиканинг йирик корхоналари ўз ишлаб чиқариш қувватларидан 74,4 фоизга, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари 82,4 фоизга, пахта толасини қайта ишлаш корхоналари 88,7 фоизга фойдаланмоқда (2жадвал).

Тўқимачилик саноати маҳсулотлари 2015 йилда 15 584,9 млрд. сўмни (ЯИМдаги улуши 10,3 %ни, саноатдаги улуши 17,7 %ни, енгил саноатдаги улуши 92,7 % ни) ташкил этган бўлса, 2018 йилда 34 215,3 млрд. сўмни (ЯИМдаги улуши 8,3 %ни, саноатдаги улуши 14,5 %ни, енгил саноатдаги улуши 95,2 % ни) ташкил қилди. 2015 йилда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ЯИМдаги улуши 11,1 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 8,0 %ни ташкил этди (3жадвал).

¹⁷<http://www.urugmarkaz.uz/event/25>

¹⁸Манба:жадвал материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таёрланди.

Юқоридаги таҳлиллар натижаларига асосан, мамлакатимизда тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклиф ва хулосалар беришимиз мумкин:

ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланган ҳолда бозор талабига мос равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналари менежментининг асосий йўналиши ҳамда ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммо сифатида қаралиши лозим;

Зжадвал

Ўзбекистон Тўқимачилик саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни¹⁹

Кўрсаткичлар		Фоизда, (%)					
		2000	2005	2010	2015	2017	2018
Енгил саноатнинг улуши	ЯИМдаги	11,1	11,5	8,8	9,2	9,6	8,0
Тўқимачилик ЯИМдаги улуши	тармоғининг	10,3	10,9	8,7	8,6	9,0	8,3
Тўқимачилик саноатдаги улуши	тармоғининг	17,7	15,7	15,7	15,2	15,4	14,5
Тўқимачилик енгил саноатдаги улуши	тармоғининг	92,7	94,6	98,5	93,8	94,2	95,2

тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг ички имкониятлари, ишлаб чиқариш қуввати захиралари ва технологияларнинг инновацион ривожланиши жадаллашиб бориши ҳисобига маънавий эскириб қолишларини олдини олган ҳолда амалга оширилиши лозим;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини баҳолашда сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ҳисобга олиш асосида баҳолаш натижасида қувватлардан фойдаланишнинг ички имкониятларини аниқлаш, фаолият йўналишини мониторинг қилишни таъминлайди.

*М.М. Исроилов, Н.Ш. Муллабаева, илмий раҳбар Р.Б. Исмоилов
Андижон давлат университети
Наманган муҳандислик-технология институти
Ўзбекистон
dodoboev49@mail.ru*

ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАСИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

¹⁹Манба: жадвал материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таёрланди.